Ушбу сонда:
2 БУГУННИНГ ОДАМЛАРИ
3 БИР ҒАЗАЛ ШАРҲИ
4 *Фельетон* ФИРИБГАРНИНГ СЎНГГИ ҲАМЛАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 5 феврал, чоршанба № 22 (1447)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ШАРТНОМАГА АМАЛ ҚИЛИШ КЕРАК

«Андижонёғмой» акциядорлик жамиятида жамоавий меҳнат шартномаларини тузиш ва бажариш муаммоларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда вилоят агросаноат мажмуи касаба уюшмалари ходимлари иштирок этди.

- Ўтган йилда бизга 32 та шикоят келиб тушди,- дейди Андижон вилояти касаба уюшмалари кенгаши ҳуқуқшуноси М.Отахонова. - Уларнинг кўпчилиги иш ҳақи ва бошқа тўловларнинг ўз вақтида тўланмаслиги билан боғлиқ. Барча аризалар ижобий ҳал қилинди. Ариза берувчилар фойдасига 276 минг 500 сўм ундириб берилди. Айниқса Жалолқудуқ, Пахтаобод, Избоскан, Балиқчи туманларида иш ҳақи бўйича қарздорлик долзарб масалага айланган.

Семинар иштирокчилари эътибори тузилаётган шартнома лойиҳасини дастлабки экспертизадан ўтказиш зарурлигига қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари федерацияси марказий кенгаши бўлим мудири Ш.Эсонбоев таъкидлаганидек, ҳар бир жамоа иш ҳақи, нафақа ҳажмини, дам олиш кунлари сонини корхона имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ўзи белгилаш ҳуқуқига эга. Меъёрий ҳужжатларда, хусусан, меҳнат кодексида ушбу ижтимоий кафолатларнинг фақат энг кам миқдори белгиланган.

ҚИШЛОҚ ШИФОХОНАСИГА «ТЕЗ ЁРДАМ»

Янгиқўрғон туманидаги Заркент қишлоғида жойлашган қишлоқ шифохонаси йигирма мингга яқин кишига тиббий хизмат кўрсатади. Бу ерда заркентликлардан ташқари, Узоқ, Хадикент, Поромон қишлоқлари аҳолиси ҳам даволанади. Бу қишлоқларнинг ўзида ҳам қишлоқ врачлик пунктлари бўлса-да, тез тиббий ёрдамга муҳтож оғир беморлар Заркент шифохонасига келтирилади.

Барча қишлоқлар аҳолисига тез тиббий ёрдам кўрсатиши учун шифохонага янги «тез ёрдам» машинаси ажратилди. «УАЗ» маркали бу машина тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур барча нарса билан жиҳозланган. Заркентлик шифокорлар қиймати қарийб бир миллион сўмлик маълумотнома шаклидаги адабиёт ҳамда дори-дармонлар олди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Улгуржи савдо корхоналарини солиққа тортишни такомиллаштириш тўғрисида

Улгуржи савдони ривожлантиришни рағбатлантириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар билан савдо ташкилотлари ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлаш ва шу асосда ички истеъмол бозорининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан янада тўлиқроқ тўлдирилишини таъминлаш мақсадида:

1. Улгуржи савдо корхоналари қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод қилинсин.

2. «Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 майдаги ПФ-3076-сон Фармони 2-бандининг иккинчи хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 4 феврал

Зафаробод туманидаги «Пахта тозалаш» акционерлик жамиятида 350 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Корхонада ишчиларнинг самарали меҳнат қилиши учун барча қулайликлар муҳайё этилган. Маъмурият ва касаба уюшма бошланғич ташкилоти меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимоясига катта эътибор қаратмоқда. Шу боис тайёрланаётган сифатли тола асосан АҚШ, Франция, Германия каби хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда.

Суратларда: корхона фаолиятидан лавҳалар.

И.ҲАСАНОВ олган суратлар.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Улгуржи савдо корхоналарини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ички истеъмол бозорини янада тўлароқ тўлдириш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарларнинг республика минтақавий бозорларига кириб боришига кўмаклашиш, улгуржи савдо корхоналарининг ҳудудлар бўйича бир текис жойлаштирилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. «Ўзбексавдо» ва «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компанияларининг янгидан ташкил этилаётган ва моддий-техника базасига эга ҳамда устав фонди миқдори белгиланган тартибга мувофиқ бўлган, молиявий жиҳатдан барқарор мавжуд улгуржи савдо корхоналари негизида республикада ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарларининг улгуржи савдо тармоғини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. «Ўзбексавдо» ва «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компанияларининг шаҳар ва қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатадиган улгуржи базаларининг тузилмаси маъқуллансин.

«Ўзбексавдо» ва «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компаниялари 2003 йилнинг I чорагида улгуржи савдо корхоналарининг фаолият кўрсатишини таъминласинлар.

3. Қуйидагилар улгуржи савдо корхоналарининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ҳудудида улгуржи савдо корхонаси фаолият кўрсатаётган минтақанинг истеъмол бозори конъюнктурасини ўрганиш ҳамда саноат корхоналарига тегишли ассортиментда, сифатда ва ўрабжойланган товарлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича тавсиялар бериш;

харид талаби хусусиятидан, минтақанинг муайян ассортиментдаги товарларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда истеъмол бозорини халқ истеъмол товарлари билан тўлдириш ҳамда аҳолини улар билан ҳудудлар бўйича бир текис таъминлаш дастурини шакллантириш;

истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар билан шартномалар тузиш ва турларни келишиб олиш, товарларни ўз омборларига ўз вақтида ташиб келтириш, чакана савдо тармоғи корхоналарини товарлар билан бир маромда таъминлаш учун кенг ва барқарор ассортиментдаги товарларнинг зарур заҳираларини яратиш;

улгуржи савдога келадиган истеъмол товарлари сифати устидан чакана савдо тармоғига паст сифатли товарларнинг кириб келиши имкониятини бартараф этувчи назоратни ташкил этиш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар, чакана савдо корхоналарига, шунингдек кичик, ўрта бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тузилган шартномалар ҳамда ўзаро ҳисоб-китобларнинг нақд пулсиз шакли асосида истеъмол товарларини улгуржи сотишни амалга ошириш;

чакана савдо корхоналарига савдони ривожлантиришда кўмаклашиш, улар учун товарларни омборлардан танлаб олиш ва харид қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

улгуржи ярмаркаларнинг истеъмол товарларини кейинги йил учун сотиш ишларида қатнашиш ва тегишли минтақанинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда товарлар харид қилиш, республика минтақаларида халқ истеъмол товарлари савдоси бўйича мавсумий ярмаркалар ташкил этиш юзасидан шартномалар тузиш.

4. «Ўзбексавдо» ва «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компаниялари улгуржи савдо корхоналарига истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчилар билан оқилона, узоқ муддатли хўжалик алоқалари ўрнатишда амалий ёрдам кўрсатсинлар, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлар ишлаб чиқариш соҳасида маркетинг тадқиқотлари ўтказсинлар, улар асосида саноат корхоналарига аҳоли кўплаб талаб қиладиган товарлар ишлаб чиқариш тўғрисида асосланган таклифлар берсинлар.

5. Вазирлар Маҳкамасининг Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва савдо комплекси «Ўзбексавдо» ва «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компаниялари тизимларида ташкил этилаётган улгуржи базаларнинг айланма маблағларини тўлдириш учун Комплексга кирувчи тармоқларнинг бўш маблағлари ҳисобига ресурслар қидириб топсин.

6. «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компаниясининг «Қорақалпоқтутину» ва «Матлуботсавдо» ҳудудий акциядорлик компанияларидан улгуржи базалар акцияларининг уларга тегишли пакетларини белгиланган тартибда компанияга бериши тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 12 июлдаги 249-сон қарорига 2-илованинг 4-банди 2003 йил 1 январдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М.Усмонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 4 феврал

2003 йил — Обод маҳалла йили

ЮРТ КЎРКИ

– Термиз гуллар шаҳри бўлишини, ҳамшаҳарларимизнинг турфа гуллар шайдоси эканликларини кўргим келади,–дейди Термиз шаҳридаги «Учқун» маҳалла оқсоқоли Маҳмуджон Шарифбоев.

Очиқ чеҳрали бу кишини термизликлар гулни жони-дилидан севадиган инсон сифатида эъзозлайдилар. Шу боис ўзи узоқ йиллар яшаётган Термиз шаҳрини турфа гулларга буркаб, Ватанимизнинг жанубий дарвозасига ташриф буюрган меҳмонларни ўзига ром этадиган шаҳарга айланиши учун баҳоли қудрат ҳисса қўшаётган гўзаллик шайдоси ҳақида ҳикоя қилишни ихтиёр этдик.

Суҳбатдошимиз, гуллар шаҳри Наманганда тавалуд топган Маҳмуджон Шарифбоевнинг тақдир тақозоси билан Термиз шаҳрига келиб қолганига ҳам қарийб ярим аср бўлибди.

– Ушбу минтақа шароитида яшаб, маҳнат қилишнинг ўзи бўлмайди. Саратоннинг жазирама иссиғи етмагандек, ҳафтанинг ҳар шанбасида бошланиб, роса йигирма тўрт соат давом этадиган чанг-тўзонда гул ўстириш кимнинг хаёлига келади, дейсиз, - дейди Маҳмуджон ака, – Боз устига, шаҳарда лоақал жилдираб сув оқадиган ариқ ҳам йўқ эди. Янглишмасам, 60-йилларда шаҳарнинг асфальт йўллари ёқалаб ҳар хил мевали дарахт ниҳоллари экила бошланди. Ниҳоллар баравж бўлиб, ҳосилга ҳам кирди. Бироқ, кўз очирмайдиган чанг-тўзонли шамол дарахтларнинг умрини қисқартирди. Инсон эзгуликка интилишдан сира чекинмайди. Ҳозир шаҳарнинг қай бир кўчасидан, гузаридан юрманг, кўкка бўй чўзаётган ям-яшил арчаларга қараб, дилингиз яйрайди. Йўл ёқалари, шаҳарнинг ҳар бир хонадонида, ҳар бир ташкилот ҳовлисида яшил арчалар гуркираб ўсаётганлиги ҳамшаҳарларимиз табиат гўзаллигига гўзаллик қўшиш иштиёқида эканликларидан гувоҳлик бериб турибди.

— Арча ўта нозик, қишин ёзин дилимизга бир олам рўшнолик бахш этгувчи ноёб дарахт,–дейди Маҳмуджон ака завқланиб. – Биласизми, арча тоғларнинг денгиз сатҳидан икки минг метр баландликда ўсади. Бизда-чи, яхши ният билан ниҳолни қадаб, чанқатмасангиз бас, гуркираб ўсаверади. Ёдимда, хориждан келган меҳмон шаҳримиздаги беҳисоб, пурвиқор арчаларни кўриб, ҳайратга тушганди. Сўнг, тахта, ёғоч тайёрлаш учун жуда катта имконият бор экан-ку, деган эди. Шунда меҳмонга: «Биродар, биз арчани қурилиш материаллари тайёрлаш учун эмас, шаҳримизнинг иқлимини оз бўлса-да ўзгартириш, лоақал саратон жазирамасининг тафтини пасайтириш учун экамиз», деганимда у ўйга толганди. Аслида меҳмон кўрганлари вилоятимиздаги арчаларнинг мингдан биридир.

Дарҳақиқат, Маҳмуджон аканинг фикри тўғри. Шаҳар ёки қишлоқда янги уй қад кўтардими, албатта, йўлакка 5-10 туп арча экилади.

Кўз очиб-юмгунча қарабсизки, уларнинг бўй-у басти томдан юқори бўлади. Вилоятдаги ўрмон хўжаликларида, фермер хўжаликларида, ҳатто, мактабларнинг атрофларида минг-минг туплаб арча ниҳоллари етиштирилаяпти. Айрим мактаблар арча ниҳолларини етиштиришдан яхшигина даромад ҳам кўришмоқда. Баравж арча ниҳоллари энди шаҳар кўркига кўрк қўшаётганлигини ҳеч ким инкор этолмайди.

– Арча мафтункор, лекин гулнинг ҳам ўзига хос гўзаллиги бор, – дейди Маҳмуджон ака. – Хушбўй иси димоғингизга урилиб, баҳри-дилингизни яйратадиган ажиб турфа гулларни таърифлашга баъзан шоирларимиз ҳам ожизлар. Яқин-яқинларгача шаҳар кўчалари ёнларида гулдан нишона ҳам йўқ эди. Ўзўзимга нега гул экишмас экан, деган саволни берардим-у, жавоб топишга қийналардим...

Фидойи инсон Маҳмуджон ака учун у кунлар катта ҳаёт мактаби бўлганди. Шаҳарнинг ҳар бир кўчасида зилол сув оқиб турса, ҳар хил гуллар экилса, узукка кўз қўйгандек бўларди, деган ўй Маҳмуджон акага тинчлик бермасди. Тўғри, бирданига шаҳарнинг барча кўчаларини, ҳовлиларини гулзорга айлантириб бўлмайди. Лекин бир парча ерда гулзор ташкил этилса, одамлар қалбида, албатта, гулга бўлган меҳр жўш уради.

Маҳмуджон ака ишни, аввало, мўъжаз ҳовлисидан бошлади. Наманганда келтириб қўйган гул уруғларини саралади. Оила эҳтиёжи учун ҳар хил сабзавот, кўкатлар етиштирадиган ерни юмшатиб, гул экиб чиқди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан, Маҳмуджон аканинг ҳовлиси гулзорга айланди. Шу бўлди-ю ўнлаб ташкилотлар, маҳаллалар, мактаблар, шифохоналар ҳовлиларида гул экила бошланди. Бугун маҳалла яқинидаги 2510-авто жамланма, «Сурхондарёдеҳқонқурилиш» ҳиссадорлик жамияти, Жўйжангал, Гулистон, Фарҳод, Жомий маҳаллаларидаги гулзорларга кўзингиз тушиб, баҳри-дилингиз яйраса, билингки, бундай ҳайрли ишларда Маҳмуджон ака каби фидойиларнинг улуши беқиёсдир.

Б.КЕНЖАБОЕВ.

Чирчиқдаги «Электркимёсаноати» акциядорлик жамияти мамлакатимиз қишлоқ хўжалик тизимига маъданли ўғитлар етказиб бериш билан бирга хориждан ҳам харидор топмоқда.

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

Йилнинг дастлабки кунлариданоқ корхона экспорт ҳажмини кескин оширди. Ўтган бир ой ичида 1,5 миллион АҚШ долларли аммиак селитраси, карбид, кучли ва кучсиз азот кислоталари, карбон гази ва аммоний сулфати хорижий буюртмачиларга етказиб берилди.

Чет эллик харидорлар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Корхона айни пайтда Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон ва Эронга маҳсулот чиқаряпти.

БАНКРОТ

Масала кўндаланг қўйилади

Ўтган йили Қашқадарё вилоят хўжалик суди томонидан банкрот деб эътироф этилган корхоналарнинг 66 таси тугатилиб, давлат рўйхатидан чиқарилди. Хўш, бунинг сабаблари ва сабоқлари нимада?

Яқинда иқтисодий таназзулга учраган корхонада фаолият юритган қурувчилардан бир гуруҳи «Ишонч» таҳририятига мурожаат қилишди. Улар жамоада кўп йиллар самарали ишлаган, ўз касбининг усталари ҳисобланган қўли гул ғишт теруувчилар, сувоқчилар, дурадгорлар эди. Журналистлар ва касаба уюшма фаолларининг аралашуви, саъй-ҳаракати туфайли уч-тўрт ой бекор юрган ишчилар меҳнат бўлимлари орқали ишга жойлаштирилди. Табиий савол туғилади: бундай ҳол нима сабабдан ва кимнинг айби билан юзага келди?

Бозор талаби қатъий. Кўпга бош бўлган раҳбару мутахассис омилкор, билимдон, ташкилотчи, бир сўмни қаердан олиб, қаерга сарфлашни яхши ўзлаштирган, лозим бўлганида масъулиятни зиммасига олабиладиган шахс бўлиши керак. Бахтга қарши, айрим корхоналарнинг етакчилари ҳамон эски услубдан воз кеча олишмаяпти. Ишлаб чиқаришга замонавий технологияни жорий этиш, рақобатбардош, харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, жамоада ишчанлик вазиятини юзага келтириб, ишловчиларни ўз ортидан эргаштира билишнинг уддасидан чиқишмаяпти. Қандайдир сабабларни рўкач қилаётган, ниманидир кутаётган кимсалар вақтни бой беришмоқда. Пировард натижада муаммолар кўпайиб, корхонада иқтисодий ислоҳотлар кўнгилдагидек амалга ошмаётир. Шу куйи банкротлик юзага келмоқда.

Таҳлил шуни кўрсатдики, ҳали кимлардир бозор иқтисодиётининг туб моҳиятини чуқур билмайди, маркетинг, менежмент, консалтинг хизмати ҳақида деярли тасаввурга эга эмас. Банк билан муносабат масаласида ҳам турли тушунмовчиликлар мавжудлиги тараққиётга тўғаноқ бўлмоқда. Боз устига, раҳбарларни кетма-кет алмаштириш ҳам жамоаларни саросимага солмоқда, хайрли ташаббуслар, янгиликларнинг сўнишига олиб келмоқда.

Қаранг, «Қашқадарё керамзит» акциядорлик жамиятида бир йилда 3 марта, Қаршидаги «Ҳамкор» очиқ ҳиссадорлик жамиятида эса 2 марта етакчи алмаштирилди. Ушбу корхоналардаги меъёрий ҳужжатлар номигагина тузилганлиги, 15 фоиз олдиндан пул ўтказилмасдан маҳсулотлар бериб юборилганлиги оқибатида дебитор қарзлари кўпайиб кетди. Натижада бултур зарар кўриб ишлаган 12 та, иқтисодий таназзулга учраган 14 та корхона фаолиятига чек қўйилди. «Нишонавтотранспорти», «Бадиий меъморчилик устахонаси», «Гидроқурилиш» очиқ ҳиссадорлик жамиятига қарашли 8-механизациялашган ва махсус механизациялашган кўчма жамланмалар хўжалик судининг қарори билан банкрот деб эълон қилинди.

Танг аҳволнинг олдини олиш, ишни ўнглаш мақсадида 500 га яқин ташкилотда мониторинг ўтказилди. Бозор шароитида муваффақиятли иш тутаётган жамоаларнинг бой иш тажрибасидан унумли фойдаланилди. Шундан сўнг 20 дан ортиқ корхонанинг молиявий ҳолати анча тикланди. Зарар билан ишлаган 10 та корхонада дебитор қарзи ундирилди. 7 таси иқтисодий ночорликдан чиқарилди.

Муаммони ҳал этишнинг яна бир синалган усули бу ишловчилар билан очиқчасига суҳбатлар ўтказиб, ҳар бир омилдан унумли фойдаланишдир. Тажрибали, қўли гул кишилар кўп ишга қодир. Улар кўнглига йўл топилиб, шароитлари яхшиланса, ўзларини аямай ишлайдилар. Шу каби чора-тадбирлар туфайли Қаршидаги «Таъмирлаш механика», Ғузор дон маҳсулотлари қабул қилиш акциядорлик жамияти, қатор кўчма жамланмалар фаолияти соғломлаштирилди.

Корхоналарнинг таназзулга юз тутиши, ишлаб чиқаришнинг тўхташи оқибатида қанчадан-қанча одамлар ишсиз қолади. Шу боис Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш ва уларнинг таркибини ўзгартиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг аҳамияти беқиёс бўлмоқда. Боиси, бунда қийин аҳволга тушган жамоаларни соғломлаштириш вазифалари аниқ-равшан белгилаб берилган. Бу мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари зиммасига катта масъулият юклайди. Улар бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда ишни моҳирона ташкил этиш, иқтисодиётни юксалтириш омилларидан унумли фойдаланиш, муаммоларни ўз кучлари билан вақтида ҳал этишга эришишлари лозим. Муҳим ишда меҳнаткашлар ҳаҳуқуқининг устувор ҳимоячиси бўлмиш касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этишлари керак.

Иззат ҲИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

Каттақўрғон туманида 98 та мактаб, 67 та мактабгача ва 4 та мактабдан ташқари таълим-тарбия муассасалари бор. Туман халқ таълими бўлими ва тармоқ ходимлари касаба уюшма қўмитаси иқтидорли ўқувчи-ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Шу мақсадда яқинда мактаб ўқувчилари ўртасида ҳунармандчилик ва каштачилик бўйича кўрик-танлов ўтказилди. Бу тадбир ўқувчилар ўртасида иқтидорли ёшлар кўплигидан дарак берди.

Суратларда: кўрик-танлов иштирокчилари.

Икром ХАСАНОВ олган суратлар.

Касаба уюшмалари тажрибасидан

ХАВФСИЗ ИШ ШАРОИТИ

Андижон вилоятида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, капитал қурилиш самарадорлигини ошириш ва қурилиш материаллари саноати бошқарув тизимини такомиллаштириш, тармоқда кичик ва ўрта бизнес ҳиссасини кўпайтириш соҳасида муайян ишлар амалга оширилди.

Кўп жойларда иш ҳажмининг камайганлиги, материаллар етишмаслиги, қарздорлик ўсиб бораётганлиги туфайли қурилишда аҳвол яна оғирлашди. Вилоят раҳбарияти бозор муносабатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда қурилиш кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқариш қувватини ва капитал маблағ ўзлаштириш ҳажмини, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш суръатини ўстиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгилади.

Бунинг натижасида Андижон ва Хонобод шаҳарларида, Асака, Марҳамат, Шаҳрихон, Балиқчи туманларида замонавий коллеждлар, мактаб ва қишлоқ врачлик пунктлари қад кўтарди. Спорт, коммунал-маиший иншоотлар бунёд этилди.

Асакадаги автозавод ва унинг филиаллари, Андижондаги «Биокимё» заводи, Хўжаобод ер ости газ омбори, Марказий банк, Хидиршо қишлоғидаги уй-жойлар қўли гул бинокорлар меҳнатининг маҳсулидир.

Бунёдкорларнинг ижтимоий-иқтисодий турмуши, яшаш тарзи ва шароити билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда ўз атрофига 63та бошланғич ташкилот ва 6549 нафар аъзони бирлаштирган қурилиш ва қурилиш ашёлари ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси хизмати катта. Касаба уюшмалари жамиятдаги ўз ўрни, мақоми, ҳуқуқлари ва масъулиятини тушунган ҳолда дастурий мақсадларни амалга ошириш имкониятларидан кенг фойдаланмоқда.

Меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялашнинг бош воситаси ҳисобланган жамоа шартномаларини пухта тузиш ва ижросини таъминлаш асосий эътиборда турибди. Тармоққа кирувчи ҳамма корхона ва ташкилотларда 2001-2004 йиллар учун жамоа шартномалари қабул қилинди.

Шартномаларда белгиланганидек ишлаётган нафақахўрларга маоши сақланган ҳолда уч кундан қўшимча таътил бериш, иш вақтини бир соатга қисқартириш имтиёзлари 32та корхонадаги 124 нафар пенсионерларга нисбатан қўлланилди. «Вилоятуйжойқурилиш», «1-автотранспорт корхонаси» ҳиссадорлик жамиятлари ва «Саноатэнергогазмонтаж» бошқармаларида нафақахўрларга 1 миллион 513 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 3та ёлғиз пенсионерларга уй-жойларни таъмирлашга 140 сўм минг ажратилди.

Асосий эътибор меҳнаткашларга хавфсиз иш шароити яратиш, касб касалликлари ва бахтсиз ходисаларнинг олдини олишга қаратилган. Ходимларни маҳсус кийим-бош ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш масаласи ҳал этилган. Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига 71 миллион сўм маблағ сарфланди. Касаба уюшмалари қошидаги комиссиялар томонидан меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси ҳолати бўйича 91та текширув ўтказилди.

«Вилоятуйжойқурилиш», «Жамферлойиҳақурилиш», «Саноатэнергогазмонтаж», «Ихтисослашганмеханизация» бошқармаларида хавфсизлик йўриқномалари янгиланди.

Қўмита раиси Шуҳратбек Эгамбердиевнинг таъкидлашича, жамоалар учун имтиёзлар яратишнинг асосий самарали меҳнат ва юқори технологияни қўллаш йўналишлари жамоа шартномаларида ўз аксини топган. Иш берувчининг хомашё ва ёрдамчи материаллари билан таъминлаш мажбуриятлари ҳам кўрсатилган. Оғир, зарарли меҳнат шароитларида ишловчиларга қўшимча ҳақ, ойлик маош тўланишнинг аниқ кунлари, ишчи-хизматчига боғлиқ бўлмай бўш қолганда тўланадиган тўловлар, товон пули бериш каби имтиёзлар бор. Жамоа шартномаларида белгиланган ижтимоий имтиёзларга 15 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Меҳнат қонунчилигига риоя этилиши назоратдан ўтказилганда «Андижонвилоятқурилиш», «Вилоятуйжойқурилиш»,«Ўзэлектромонтаж», «Фуқаролойиҳа» касаба уюшма қўмиталари ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қатъиятлилик билан иш юритаётганликлари аниқланди. Меҳнат шартномаси тузиш ва бекор қилишда қонунчилик талабларига амал қилинаяпти, дам олиш кунлари, ишдан ташқари вақтлар ва тунги ишларга жалб этишда ишчиларнинг розилиги ҳисобга олиниб, 2 баробар иш ҳақи тўлаш йўлга қўйилган. Корхоналарда юздан ортиқ янги иш ўринлари яратилган.

Н. ТИЛЛАЕВ.

Бугуннинг одамлари

Бу дунёга инсон яхшилик қилиш учун, эзгулик уруғларини кўпайтириш учун келади. Кўчқор ота Қурбонбоев ҳам ана шундайлар сирасига киради. У умр бўйи одамлар ташвишига шерик бўлди, ўз оромидан кечди. Ўзгалар ҳузур-ҳаловатини ўзиникидан афзал кўрди. Шу боис жўмард, бир сўзли, кишилар ҳақида қайғуриш фазилатлари унинг қонқонига сингиб кетган эди.

«ДЎСТЛИК»НИНГ ҚАНОТИ ҚАЙРИЛМАС

У деярли бутун ҳаётини қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга бағишлади. Унинг бундай жонсараклиги ўғли Октябрга ҳам ўтган. Мана, 28 йилдирки у Хоразм воҳасидаги йирик хўжаликлардан бирига раҳбарлик қилиб келмоқда. Нафақат Шовот туманида, балки, вилоятдагилар ҳам «Дўстлик» ҳақида яхши гапларни кўп эшитишган.

Октябр Қурбонов ишлаётган хўжаликда эришилаётган муваффақиятлар сирини билмоқчи бўлсангиз, Моноқ масканига бир ташриф буюринг. Кенг ва равон йўлнинг икки томонидан жой олган замонавий уйжой бинолари, гуллар оғушида яйраётган сўлим ҳиёбонлар, атрофдаги боғ-роғлар ҳавасингизни келтиради. Бу жойни муболағасиз шаҳарча деб аташ мумкин.

Бундай ютуқларга хўжалик фаоллари қишлоққа саноатни олиб кириш туфайли эришдилар. Хорижий инвестициялар асосида консерва, пардозли ғиштлар, 12 турдаги турли хил шиша идишлар тайёрлайдиган корхоналар иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга беназир туртки бўлди.

— Ҳамкорликда, бамаслаҳат иш кўрилаётганлиги боис хўжалигимизда давлатга дон, пахта, пилла, сабзовот, полиз маҳсулотлари сотиш режалари ҳамиша ошириб адо этиляпти,-дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Мадамин Жуманиёзов,—экилган экинлардан катта ҳирмон кўтарган К. Отабоев, Ю. Тожимуродов, Ж. Нурматов, К. Жабборов каби деҳқонлар олинган мўмай даромад ҳисобига тўй-томошалар ўтказишаяпти, қўлларидан келганча одамларга саҳийлик кўрсатишаяпти.

Инсонлар туриш-турмушини лозим даражага келтириш осон эмас. Хўжаликда 1500 хонадон бўлиб, 10 мингдан зиёд аҳоли умргузаронлик қилади. Барча оилалар табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминланган. 7 та болалар боғчаси, 5 та мактаб, 1000 кишилик маданият саройи, ёзги клуб, ҳаммом, 4 та сартарошхона, қўшақўша новвойхоналар, тикувчилик цехлари ишлаб турибди. Темирчилик устахонаси, маиший хизмат уйи, қишлоқ касалхонаси, тиббий пункт, дорихона, кутубхона, тегирмон, ўйингоҳ, ўнлаб савдо дўконлари аҳоли хизматида.

Фарзандларининг элюрт учун муносиб камарбаста бўлаётганлигини кўриб, Кўчқор ота билан Шодмон аялар ўзларида йўқ мамнун бўлмоқдалар. Ойгул, Октябр, Улуғбек, Муҳиддин, Ҳасанбой, Ҳусанбой, Қаҳрамон, Жасурбек, Рашидбеклар ҳар куни ота-онанинг дуосини олиш учун табаррук хонадонга ташриф буюрадилар.

Юртбошимиз оғир обҳаво шароитларида ҳам деҳқончилик маданиятини ошириш, астойдил меҳнат қилиш туфайли катта ютуқларга эришаётган Хоразм миришкорлари жасоратига юксак баҳо берган эдилар. Онамизнинг неъматларини кўпайтириб, халқ дастурхонини бойитаётган фидойилар қанча кўпайса, юртимизда маъмурчилик, фаровонлик тобора кенг қанот ёзаверади.

И. ИСОМУДДИНОВ.

МАФТУНКОР ГУЗАР

Фарғона вилоятининг Риштон туманидаги «Зохидон» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Узун кўча» ва «Гулистон» маҳаллаларида янги гузарлар қурилиши бошланди.

Улардан бирини тадбиркор Шаробиддин Жалолов ўз маблағи ҳисобидан бунёд этмоқда. Наврўз байрами арафасида фойдаланишга топшириладиган гузарда савдо дўкони, чойхона, косибчилик, сартарошхона, кутубхона ҳамда тикувчилик цехи иш бошлайди.

- Ҳали олдинда режаларимиз кўп,- дейди «Зохидон» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Солижон Акбаров. - Ҳудудимизда яшаётган 16 минг 849 нафар кишининг асосий қисми қишлоқ хўжалик тизимида меҳнат қилади. Шу боис қишлоққа саноатни олиб киришни, кичик корхоналар сонини кўпайтиришни ўйлаб турибмиз.

Шунингдек, бир ярим километрли газ қувури, уч километрли сув қувури тортамиз, янги маҳаллаларни электр билан таъминлаймиз. Хуллас, иш кўп.

"АФРЎЗ-МАРМАР" ИШГА ТУШДИ

Бухорода мармар тайёрловчи заводларнинг чиқиндиларини қайта ишлашга ихтисослашган "Афрўз-мармар" корхонаси ишга тушди.

Янги корхонани очиш учун имтиёзли кредит олиб, 640 минг евро қийматида Италиянинг замонавий ускуналарини харид қилдик, - деди "Афрўз-мармар" директори Шерзод Болтаев "Туркистонпресс" мухбирига. - Янги технологик линия йилига 90 минг квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради. Тез орада корхонада мармар заводлари чиқиндиларидан 60х60 ҳажмдаги мармар плиталари ишлаб чиқариш бошланади.

Ш. Болтаевнинг таъкидлашича, корхона экологик муҳитни яхшилаш билан бирга 35 та янги иш ўринларини ҳам очишга муваффақ бўлди.

Она ва бола саломатлиги йўлида

Ўзбекистонда соғликни сақлаш давлат дастурини амалга ошириш, оналик ва болаликни муҳофазалашда ҳам мамлакатимиз шифокорлари билан бирга нодавлат, нотижорат ташкилотлар ҳам фаол қатнашмоқдалар.

ХАЛҚАРО ДАСТУРЛАР АСОСИДА

Мамлакатимизнинг жанубий минтақаси Қашқадарёда баркамол авлодни камол топтириш, оилалар тиббий маданиятини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар соғлиғини муҳофазалашга қаратилган кўпгина муҳим тадбирлар амалга оширилаяпти. Кейинги пайтда 500 мингдан ортиқ зурриёт ёшидаги аёллар ва ўсмир қизлар тиббий кўрикдан ўтказилди.

Яқинда вилоятда яна бир ташаббусга кенг йўл очилди. Америка Қўшма Штатлари Халқаро ривожланиш агентлиги томонидан молиялаштирилган «Хоуп» халқаро ташкилоти фаолият бошлади.

Инсонпарварлик ғояларига асосланган бу ташкилотнинг шохобчалари дунёнинг 26 мамлакатида ишлаб турибди. У тўрт йилдан бери Ўзбекистонда фаолият кўрсатмоқда.

«Хоуп» дастури беш йилга мўлжалланган бўлиб, оналар ва болалар соғлиғини муҳофазалаш, улар орасида учрайдиган касалликларни, ўлим ҳолатларини камайтиришдан иборатдир. Дастур директори Дуглас Палмернинг айтишича, фаолият доираси икки йўналишда олиб борилаяпти. Биринчи босқичда вилоят соғлиқни сақлаш бош бошқармаси билан клиникалар, туғруқ мажмуалари, оналар ва болалар шифохонаси, репродуктив саломатлик марказлари мутахассислари билан ҳамкорликда иш юритилади.

Инсонпарварлик дастурида даволаш муассасалари, биринчи навбатда туғруқхоналар, оналар ва болалар касалхоналарини дори-дармон ва тиббий ускуналар билан таъминлаш мўлжалланган.

Шифокорларнинг билим ва малакасини ошириш, уларни ҳозирги замон табобатининг энг янги ютуқларидан воқиф этиш, даволаш-профилактика амалиётини жорий этиш режалаштирилган.

Ҳозирги пайтда дастурнинг биринчи босқичини амалга оширишга киришилди. Деҳқонобод, Чироқчи, Касби туманлари ва Қарши шаҳридаги оналар ва болалар касалхоналари, туғруқ мажмуалари, қишлоқ врачлик пунктларига халқаро ташкилот вакиллари ташриф буюриб беморларни даволаш ва тарғибот-ташвиқот юмушларида иштирок этмоқдалар.

ЁЛҚИН.

ЎЗБЕК ТОЛАСИГА «РИЦАРЛАР БИЛЛУРИ»

Фирма, компания, инвестиция, корпорация, ассоциация, қўшма корхона, бизнес лойиҳалари сингари иборалар истеъмолга кўпроқ кириб бормоқда. Иқтисодий ислоҳотларда ва шерикчилик алоқаларида катта муваффақиятларга эришиш ҳаммамизнинг қалбимизга фахр улашади. Андижон вилоятининг Жалолқудуқ туманига навбатдаги хушхабар келганида одамлар хурсандчилигининг чеки бўлмай қолди. Буни қаранг, кўпчиликка нотаниш Сўпиқишлоғида фаолият кўрсатаётган пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятининг маҳсулотлари Буюк Британия, Бельгия, Швейцария, Жанубий Корея каби мамлакатларда донг таратибди. Заводнинг пахта толаси сифатига жаҳоннинг йирик иқтисодий ташкилотларидан бири бўлган марказнинг «Рицарлар биллури» деб аталмиш соврини берилибди. Офарин, демай бўладими!

Иқтисодий ислоҳотлар моҳиятини яхши тушунган жалолқудуқликлар 2002 йилга муносиб якун ясаб, янги йилни ёруғ юз билан бошладилар. Андижон технологияси кароматини амалда кўрсатган миришкор пахтакорлар қишлоқ хўжалигида ўзига хос ютуқларга эришмоқдалар. Биз тилга олган йилда Жалолқудуқ туманида деҳқонлар давлатга 27 минг тоннага яқин пахта топширдилар. Бу кўрсаткич шартнома режасида белгиланганидан 7 минг тонна кўп демакдир. Шу тариқа пахтачиликнинг ўзидан келган пул даромадлари 3,8 миллиард сўмни ташкил этди.

Маълумки, моддий манфаатдорлик ҳамиша барака келтиради. Туманнинг кўпгина хўжаликларида «оқ олтин»дан юқори ҳосил олинди. «Ойим» хўжалигида ҳар гектар майдондан 39,6 центнердан пахта ҳосили олинган бўлса, «Ёрқишлоқ» ширкат хўжалигида бу кўрсаткич 48 центнерга тўғри келди. «Ҳақиқат», «Дўстлик», «Қатортол», Н.Исанов номли, «Кўрқи», «Пахтакор» хўжаликларида ҳам юқори натижаларга

Фахр

эришилди.

Янги йилни яхши бошлаган одам уни яхши якунлайди, деган гап бор. Зотан, бошқа соҳалардаги ютуқлар ҳам кишини қувонтиради. Давлатга режадан ортиқ пахта сотишдан 477 миллион, ғаллачиликдан 1 миллиард сўмдан зиёд фойда олинди. Рентабеллик даражаси 23,4 фоизни ташкил этди.

Бугунги деҳқон ўзининг мулкдор бўлганлигидан ерга алоҳида меҳр-муҳаббат билан қарайди. Ҳосилдорликни ошириш, деҳқончилик маданиятини кўтариш учун бутун имкониятларни, билим ва тажрибани ишга солади. Ёрқишлоқлик М.Эргашев, «Ҳақиқат»дан О.Абдувалиев, «Пахтакор»дан Н.Исоқов, Н.Исанов номли хўжаликдан А.Тешабоев, «Қатортол»дан М.Эргашев, «Дўстлик» ширкатидан Ш.Миралиевлар пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 54-61 центнерга етказиб, ҳаммага намуна бўлдилар. Қ.Турдиев номли «Оқбура» кооператив хўжаликларида йиллик режалар 148-150 фоизга уддаланди.

Туманда ҳар йили 7-8 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари, 1 миллиард сўмдан зиёд халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариляпти. Хорижий инвестициялар ҳисобига ишга туширилган 6 та қўшма корхонада 35 миллион сўмлик маҳсулот хорижга экспорт қилинмоқда. Янги барпо этилаётган қўшма корхоналар ҳам мўлжалдаги қувватга кирмоқда. Низом жамғармаси 500 минг АҚШ доллари қийматига тенг бўлган Заврак-Милл қўшма корхонаси ишга туширилиб, 27 та янги иш ўрни яратилди. Ойим-Текстил қўшма корхонасида 1 миллион евро миқдорида Олмонияда ишлаб чиқарилган замонавий дастгоҳлар ўрнатилди. Ёрқишлоқ ширкат хўжалигида 611 минг сўм АҚШ доллари миқдорида Осиё ривожланиш ва тараққиёт банкидан кредит олиниб, Голландия технологияси асосида бир кеча-кундузда 30 тонна ёғ чиқарадиган корхона қуриляпти.

Жалолқудуқ номи тобора кенгроқ донг таратиб бормоқда. Бу жойнинг одамлари жўмард, бирсўзли, ширинзабон, меҳнаткаш кишилардир. Аллоҳ назари тушган мазкур заминда жаннатий боғ-роғлар, сўлим оромгоҳлар, поёнсиз ғалла-зор ва пахтазорлар одамларни янги-янги муваффақиятлар қозонишга руҳлантирмоқда.

Б. ИМОМОВА,
ишчи.

АЁЛЛАР АРДОҚДА

Тошкент вилоятидаги корхона ва хўжаликларда меҳнат қилаётган аёлларга яратиб берилаётган имтиёзлар сони кўпайиб бормоқда.

Вилоят автомобил транспорти ва йўл хўжалигига қарашли 46 корхона ва ташкилотда ишлаётган бир минг 207 нафар аёлнинг ойлик маоши тўла сақланган ҳолда, иш куни бир соатга қисқартирилди.

Чирчиқдаги Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинатида меҳнат қилаётган хотин-қизлар эса ойда бир кун ишга чиқмайди, лекин бу уларнинг иш ҳақига таъсир қилмайди.

Вилоятнинг 321 корхонасида бўлғуси оналарга ҳомиладорликнинг бешинчи ойидан бошлаб таътил бериш йўлга қўйилди.

Бу имтиёзлар соғлом авлодни вояга етказишда аёлларимиз учун муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

ЭЧКИСИ БИЗНИКИ, УЛОҒИ СИЗНИКИ

Қорақалпоғистондаги Кегейли туман ҳокимлиги АҚШнинг Марказий Осиёга беғараз ёрдам халқаро ташкилоти Нукус бўлими - «CAFE-Нукус» билан ҳамкорликда «Маҳаллани ривожлантириш» лойиҳасини ишлаб чиқиб, амалга оширишга киришди.

- Лойиҳада кам даромадли оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган,- дейди «CAFE-Нукус» раҳбари Жефф Вербраги. - Ҳар бир оилага 10 бошдан улоқли эчки берилади. Улар бир йил давомида эчкиларни парваришлайди. Сўнг улоқлар ўша оилада қолади. Эчкилар эса бошқа оилага олиб берилади. Қарабсизки, биринчи оила 10 эчкили бўлиб олади.

Синов тариқасида амалга оширилаётган лойиҳага мувофиқ ҳозирча етти оилага Чимбой бозоридан 10 бошдан улоқли эчки сотиб олиб берилди. Бунда, албатта, ушбу оилалардага ишсизлар сони, молни боқиш имконияти ҳисобга олинди.

Оллабой оға Дўсбергеновнинг оиласи ҳам эчкили бўлди.

- Учта ўғлим уйда бекор ўтирган эди,- дейди Оллабой оға. - Бу иш уларга яхши эрмак, оиламиз учун эса дурустгина даромад манбаи бўлди. Тез орада эчкиларни қайтариб берамиз. Улоқлар ўзимизда қолади. Насиб қилса, келаси йили 10 бош эчкимиз 20 бошга етади...

(ЎзА).

ТАДБИРКОРЛАР КЎМАКЧИСИ

"Ўзсаноатқурилишбанк" акциядорлик тижорат банки Бухоро бўлими хизматларидан 2002 йилда кичик ва ўрта бизнеснинг 1155 та субъекти фойдаланди. Банк томонидан ажратилган кредитлар ҳисобига цехлар, кичик корхоналар барпо этилди.

Шу туфайли мингга яқин иш ўринлари очилди. Хусусан, "Авлод" масъулияти чекланган жамияти 3,2 миллион сўм миқдоридаги кредитдан самарали фойдаланди. Берилган маблағга тўқувчилик дастгоҳлари ва хомашё харид қилиниб, сочиқ ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. У маҳсулотлар тезда сотилиб, қарз узилди. Шунингдек, банкдан Ромитан туманидаги "Сомоний" фермер хўжалиги ҳам 15 миллион сўм миқдорида кредит олганди. Ушбу маблағларга трактор сотиб олинди ва қорамоллар бош сони кўпайтирилди.

Саволларингизга ТДЮИ Хўжалик ва меҳнат ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси Гулноза САТТОРОВА жавоб беради

САВОЛ: ***ишда шикастланиш оқибатида ногирон бўлиб қолган ходимга корхонамиз соғлиққа етказилган зарар учун товон пули тўлайди. Шу билан бирга ногиронлик нафақаси учун ҳам ижтимоий таъминот бўлимига пул ўтказмоқдамиз. Шу тўғрими?***

А.ЮНУСОВ,
Амударё тумани.

ЖАВОБ: Меҳнат Кодексининг 189-моддасида иш берувчининг ходим соғлиғига етказилган зарарни тўлаш мажбурияти кўрсатилган. Ушбу моддага кўра ходимнинг соғлиғига меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки у ўз меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши сабабли етказилган зарарни иш берувчи (яъни ходим ишлаётган корхона) тўлиқ ҳажмда тўлаши шарт.

Тўланиши лозим бўлган зарар жабрланувчининг яъни шикастланган ходимнинг меҳнатда майиб бўлишига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида, унинг меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўловдан, соғлиғига шикаст етиши билан боғлиқ қўшимча харажатларнинг компенсациясидан ва айрим ҳолларда — бир йўла бериладиган нафақа тўлашдан иборатдир.

Шикастланган ходим ногирон бўлганлиги туфайли ногиронлик пенсиясини олиш ҳуқуқига эга: «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунининг 66-моддасига кўра, тайинланган пенсияларни тўлаш бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Корхоналар ва ташкилотлар корхонанинг айби билан меҳнатда майибланиш оқибатида ногиронлик учун тайинланган пенсияларни тўлаш учун иш ҳақи тўлашга мўлжалланган маблағлар ҳисобидан бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига харажатларни қопловчи пул ўтказадилар. Бундай харажатларни ундиришга алоҳида тартиб назарда тутилган. Ушбу тартиб Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сонли (15-илова) қарорида тасдиқланган.

Мазкур тартибнинг 1-бўлимда меҳнатда майибланганлик ёки касб касаллиги оқибатида ногирон бўлиб қолганларга пенсия тўлашда сарфланадиган харажатларни қоплаш тартиби кўрсатилган. Ушбу бўлимнинг 1-бандига мувофиқ мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидан қатъий назар корхоналар ва ташкилотлар корхонанинг айби билан меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги оқибатида ногирон бўлиб қолганларга пенсия тўлаш харажатларини қоплаш учун меҳнат ҳақига мўлжалланган маблағлардан бюджетдан ташқари пенсия фондига ҳар ойда пул ўтказадилар.

Кўриб турибсизки, ходим шикастланиши оқибатида унинг соғлиғига етказилган зарарни қоплаш ва ногиронлик пенсиясини тўлаш учун келадиган харажатларни қоплаш ҳар хил тўловлар бўлиб, давлат томонидпан айбдор бўлган корхонадан ундириб олинади.

САВОЛ: ***Мустақиллигимиздан илгари мукофотланган меҳнат фахрийларига, турли хил унвон ва нишон эгаларига қандай имтиёзлар бор?***

А. ЁРБЕКОВ,
Сирдарё вилояти.

ЖАВОБ: ҳақиқатдан ҳам фуқароларнинг алоҳида хизматлари учун Ўзбекистон республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунининг 28-моддаси билан устамалар белгиланган. Ушбу моддада назарда тутилган устамалардан фойдаланиш учун фахрли номга эга бўлиш керак.

Фахрли унвонлар номи Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 7 июндаги «Қалам ҳақи ва фахрий унвонлар учун қўшимчалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги 274-сонли қарорнинг иловасида келтирилган. Ушбу иловага мувофиқ, фахрли унвонга «Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси», «Ўзбекистон халқ ёзувчиси», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» ва ҳоказолар киради. Собиқ иттифоқ давридаги турли хилдаги меҳнат фахрийлари нишондорларига ҳозирги кунда амалдаги қонунчиликда ҳеч қандай имтиёзлар белгиланмаган.

САВОЛ: ***ёшим 52 да. Касбим ОВХ (захарли дорилар сепадиган) тракторини бошқариш. Имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эгаманми?***

Юнусали СУЮНОВ,
Поп тумани.

ЖАВОБ: «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 12-модда «в» бандида қишлоқ хўжалик ходимларининг айрим тоифаларига имтиёзли (яъни эркаклар — 55 ёшдан, аёллар — 50 ёшдан) пенсия олиш ҳуқуқи белгиланган. Лекин бундай пенсия олиш учун қонунда маълум шартлар қўйилган. Чунончи, тракторчи эркаклар имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар, қачонки улар бевосита қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда банд бўлсалар, ишга тракторчи-машинист сифатида расмийлаштирсалар, тегишли гувоҳномага эга бўлсалар ва тўлиқ мавсум давомида деҳқончилик ва чорвачиликнинг қишлоқ хўжалик ишларида тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини (пахта териш машиналарини, дон йиғувчи комбайн ва бошқалар)ни бошқариш билан доимо банд бўлсалар. Келтирилган шартларга жавоб бермайдиган фаолият билан шуғулланган шахс эгалари имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини бермайди.

САВОЛ: ***Олий ўқув юртларида профессор-ўқитувчиларни танлов асосида ишга қабул қилиш тўғрисида маълумот берсангиз.***

С.ТОЖИЕВ
Қарши шаҳри.

ЖАВОБ: Олий ўқув юртларида танлов ўтказиш тартиби ҳозирги кунда амалда бўлган «Олий ўқув юртларига педагог ходимларни ишга қабул қилиш тўғрисида» ги Низомда белгиланган. Ушбу Низом Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998-йил 30-октябрдаги «Олий мактаб хужжатларини тасдиқлаш тўғрисида» деб номланган 305-сон буйруқ билан тасдиқланган. Ушбу Низомга мувофиқ барча профессор-ўқитувчилар Олий ўқув юртларига ишга танлов асосида қабул қилинадилар. Ушбу семестрда Олий ўқув юрти ваколатлари тугаган ҳамда бўш кафедра мудирлари, профессор, доцент, катта ўқитувчи ва ассистент лавозимларига матбуот орқали танлов эълон қилади. Танловда қатнашиш учун Олий ўқув юрти ректори номига ёзилган ариза билан мурожаат қилиш керак. Ариза бериш муддати, танлов эълон қилинган кундан эътиборан бир ойдан кечикмаслиги лозим. Низомнинг 19-бандига кўра танловда қатнашиш тўғрисида ариза мавжуд бўлмаса танлов ўтказилмаган ҳисобланади.

Танловда қатнашиш учун тақдим этилган барча хужжатлар дастлаб тегишли кафедра мажлисида кўриб чиқилади. Кафедра хулосаси ва ўқитувчининг ҳисоботи билан Олий ўқув юртининг (факултет) кенгашига юборилади.

Танловда қатнашаётган барча номзодларнинг фамилияси яширин овоз бериш учун бюллетенга киритилади.Илмий кенгаш аъзолари ўз фикрини бюллетенга киритилган номзодларнинг фамилиясини ўчириш ёки қолдириш билан билдирадилар.

Танлов натижалари Олий ўқув юртлари (факултет) илмий кенгашининг қарорида эълон қилинади ва ушбу қарор якуний ҳисобланади.

Ушбу Олий ўқув юртларида ишлаган ва танловдан ўтган шахсларнинг меҳнат шартномасига меҳнат муносабатлари янги муддатга (5 йилгача) узайтирилганлиги тўғрисида маълумот киритилади ва тегишли буйруқ билан расмийлаштирилади. Бошқа лавозимга танловдан ўтган шахсларнинг меҳнат шартномасига тегишли ўзгартиришлар киритилади ва бошқа лавозимга ўтказиш тўғрисида буйруқ билан расмийлаштирилади.

Танловдан ўтмаган шахслар билан ҳамда танловда қатнашиш учун ариза бермаган шахслар билан семестр тугагандан кейин меҳнат шартномаси Меҳнат Кодексининг 97-моддаси 6-бандига биноан янги муддатга сайланмаганлиги (танлов бўйича ўтмаганлиги) ёхуд сайланишда (танловда) қатнашишни рад этганлиги муносабати билан бекор қилинади.

Саволингизга ЎзКУФКнинг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш бўлими мудири Маҳмуджон ИСАЕВ жавоб беради

САВОЛ: ***мен «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланганман. Ушбу мукофот Низоми бўйича бир неча имтиёзлар берилган. Улардан бири уй-жой коммунал хизматларига ҳақ тўлашдаги имтиёздир. Газ идорасидагилар, - ўқитувчи бўлганингиз учун 108 метр куб хажмдаги газ учунгина ҳақ тўлашдан озод қилинасиз. Қолганига умумий асосларда пул тўлайсиз,- деб туриб олишмоқда. Бу қанчалик тўғри?***

Исомиддин ҚЎЧҚОРОВ,
Хатирчи тумани

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 18 апрелдаги 178-сонли қарори билан «Уй-жой коммунал хизматлари учун ҳақ тўлаш бўйича аҳолига имтиёзлар бериш тартиби тўғрисида» Низом тасдиқланган ва 2001 йил 1 июлдан амалга киритилган.

Мазкур Низомнинг 5-бандига биноан, агар фуқаро уй-жойдан фойдаланиш сарф-харажатлари ва коммунал хизматлар тўловлари бўйича (ва ундан ортиқ) қонун хужжатларида назарда тутилган имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлса, унга энг юқори миқдордаги имтиёзларни назарда тутувчи қонун ҳужжатида кўрсатилган кафолатлар берилади.

Бир ғазал шарҳи

КИММНИНГ СЕВАР ЁРИСАН?

Қайси фалак буржининг меҳри пуранворисан?
Қайси садаф дуржининг гавҳари шаҳворисан?
Қайси Хўтан оҳуси нофаи тоторисан?
Қайси чаманзорнинг лолаи гулнорисан?
Сўйла манга, эй санам, кимни севар ёрисан?

Қоматингга бандадур боғ аро сарви равон,
Лаъли лабинг рашкидан ғунча эрур баҳри қон,
Чунки чаман саҳнида бўлса юзинг гулфишон,
Ноласин айлар фузун булбули бехонумон,
Сўйла манга, эй санам, кимни севар ёрисан?

Йиғлатур ошиқларинг лаъли лабинг хандаси,
Тўбию шамшод эрур сарв қадинг бандаси,
Ҳусну жамол авжининг меҳри дурахшандаси,
Кўрса маҳ оразинг, бўлғуси шармандаси,
Сўйла манга, эй санам, кимни севар ёрисан?

Бир кеча айлаб манга меҳру муҳаббат аён,
Ҳамраҳу йўлдошсиз борча улусдин ниҳон,
Кулбайи аҳзонима бўлсанг агар меҳмон,
Комили маҳзунингга ростин этгил баён,
Сўйла манга, эй санам, кимни севар ёрисан?

Ҳассос шоир Комил мазкур муҳаммасни машҳур «Хоразм лазгиси» куйига мослаб ёзган. Бу муҳаммас енгил ва ўйноқи бўлишига қарамай, асрлар давомида Шарқ шеъриятида қарор топган анъанавий ташбеҳ ва тимсоллар асосига қурилганлигидан бугунги кунда уни шарҳу изоҳсиз тушуниш мушкул.

Шеъриятда риторик сўроқ деган тасвирий усул бўлиб, у бадиий нутқда фикрни сўроқ шаклида тасдиқлашдан иборат. Бунда савол қўйилади-ю, жавоб талаб қилинмайди. Чунки жавобга ҳожат йўқ: у шундоғам кўриниб туради. Мазкур муҳаммасда ҳам шоир саволларни ҳар қанча қалаштирмасин, ҳеч бир жавоб талаб қилмаяпти, балки саволлар воситасида ўз фикрини, ҳайратини кўтаринки, ҳассос ва таъсирчан қилиб авж пардаларда ифодалаяпти ва айни пайтда, маъшуқанинг ҳам таърифдан юксак бир гўзал эканлигига урғу бераяпти. Чунки у шундай гўзал бир малакки, бу дунёда унинг тенги йўқ. Бу дунёда унинг севгисига муносиб инсон йўқ. Унга фақат ҳавас қилиш, ундан ҳайратланиш, уни севиш мумкин, лекин севги талаб қилиш – имкондан ташқари нарса!

Қоматингга бандадур боғ аро сарви равон,
Лаъли лабинг рашкидан ғунча эрур баҳри қон,
Чунки чаман саҳнида бўлса юзинг гулфишон,
Ноласин айлар фузун булбули бехонумон,
Сўйла манга, эй санам, кимни севар ёрисан?

Бу бандда тушунарсиз сўзлар унча кўп эмас. Улар: «сарви равон», «лаъл», «гулфишон», «фузун», «бехонумон». «Сарви равон» – юрувчи сарв дегани. Сарв – игнабаргли, тик ўсадиган, хушқомат, ҳамиша кўм-кўк бўлиб яшнаб турадиган дарахт. Мумтоз адабиётда гўзалларнинг келишган қаддиқомати унга нисбат берилади. Гўзал ҳам қаддининг баланд ва хушбичимлиги жиҳатидан сарвга ўхшайди, лекин унинг сарвдан бир афзал томони ҳам бор: сарв ўрнидан қўзғалмайди, сарвқомат маҳбуба юради, хиром этади. Шунинг учун ҳам уни сарви равон ёки сарви хирмон, деб таърифлайдилар. «Лаъл» – ярқираб турадиган қизил рангли қимматбаҳо тош. Маъшуқа лабининг қизиллиги унга нисбат берилади. «Гулфишон» – гул сочувчи; мажозан ўзини намоён қилиш. «Фузун» – кўп, зиёда, ортиқ. «Бехонумон»нинг луғавий маъноси уй-жойсиз, сарсон-саргардон. Бу ерда у мажозан бечора маъносида келаяпти.

Шеър тасаввуфий мазмундан ҳам холи эмас. Хусусан, ушбу бандни айнан сўфиёна талқин қилсак, унинг маъноси кенгроқ очилади: сарв ва ғунчанинг ёр қомати ва лабига ўхшаш, лекин унга тенглашолмаслигининг асл сабаби шундаки, улар ёр ҳуснидан бир улги, яъни ёр – қуёш бўлса, улар – бир зарра, ёр - олов бўлса, улар – бир учқун. Зарра – қуёшнинг, учқун – оловнинг ўрнини босолмаганидек, сарв ва ғунча ҳам ёрнинг қомати ва лабига тенглашолмайди (Кейинги бандда тасаввуфий мазмун анча очиқ ва чуқур ифодаланган).

Йиғлатур ошиқларинг лаъли лабинг хандаси,
Тўбию шамшод эрур сарв қадинг бандаси,
Ҳусни жамол авжининг меҳри дурахшандаси,
Кўрса маҳ оразинг, бўлғуси шармандаси,
Сўйла манга, эй санам, кимни севар ёрисан?

Банднинг мазмуни қуйидагича:

«Лаъли лабинг табассум қилганда ошиқларинг бағрига ўт туташиб, улар йиғига тушадилар. Сарв каби келишган ва гўзал қаддингга жаннат дарахти бўлмиш тўби(й) ва шамшод ҳам асир (Шундай экан, ожиз бандаларнинг аҳволи маълум). Эй ҳусну жамол авжининг порлоқ қуёши, сенинг юзингни кўрса, ой ҳам уялиб қолади (Ўзининг гўзаллиги ҳеч нарса эканлигини англайди). Бу дунёдаги ожиз бандаларни йиғлатган, у дунё – жаннатдаги тўби(й) дарахтини асир қилган, гўзаллар шоҳини ҳам шарманда қилган, эй санам, қани, айт-чи, сен кимнинг севар ёрисан? (Шундай бахтли, икки дунё саодатига ноил инсон бўлиши мумкинми ўзи?!)»

Бир кеча айлаб манга меҳру муҳаббат аён,
Ҳамраҳу йўлдошсиз борча улусдин ниҳон,
Кулбайи аҳзонима бўлсанг агар меҳмон,
Комили маҳзунингга ростин этгил баён:
Сўйла манга, эй санам, кимни севар ёрисан?

Бу бандда маъноси бир қадар мавҳум бўлган ибора бу – кулбайи аҳзон. Бу тушунча Яъқуб пайғамбар ҳаёти билан боғлиқ. Унинг Юсуф деган гўзалликда танҳо ўғли бўлиб, уни жуда севар, еру кўкка ишонмасди. Бундан ҳасад қилган акалари овга элтиш баҳонасида уни уйдан олиб чиқиб, мисрлик савдогарларга арзимас пулга сотиб юборадилар. Кейин бир кўйни сўйиб, Юсуфнинг кўйлагини унинг қонига булғайдилар-да, оталарига олиб келиб: «Юсуфни бўри еб кетди», – деб алдайдилар. Яъқуб Юсуфнинг ҳажрида йиғлай-йиғлай, кўзлари кўр бўлиб қолади. Йўл бўйида «Байт ул-аҳзон» деган уй тиклаб, кеча-кундуз унда тоат-ибодат қилиб яшайди. Мумтоз адабиётда сўнгсиз дарду ғамда, чорасиз аҳволда қолган кишининг уйини, ҳаётини, дунёни байт ул-аҳзон, яъни ғам уйи, ҳасратхонага нисбат бериш бир анъана тусини олган. Жумладан, шоир ҳам «ғамгин Комилнинг ғамхонасига меҳмон бўлсанг», деб лутф қилади ва яна уни сўроққа тутади: «кимни севар ёрисан?»

Зеро, бундай гўзал кимнингдир ёри бўлиши мумкинми? У барчадан аъло ва юксак эмасми? Наҳотки, шунча малоҳат ва камолоти билан у ҳам оддий инсонлардан фарқ қилмаса, кимнингдир севар ёри бўлса?! Шундай илоҳий ҳусну жамол билан оддий инсоний муҳаббатга муносиб бўлса?! Бутун халқни куйдириб, биргина кишининг ёри бўлиб кетаверса?! Йўқ! Бундай тенгсиз ҳусну малоҳат фақат илоҳий зотдагина бўлиши мумкин ва унинг гўзаллигидан барча бирдай баҳраманд бўлиш керак!

Шу тариқа, дунёвий муҳаббат тасвири билан бошланган муҳаммас қадам-бақадам илоҳий ишқ тасвирига уланиб кетади. Дунё гўзали бу қадар гўзал бўлиши тасаввурга сиғмайди, бинобарин, унда илоҳий гўзалликдан қандайдир даражада улги бор. Жаннат қоматига асир бўлибдими, у қандайдир илоҳий марҳаматга ноил. Бас, барчанинг унга ҳавас, ҳайрат ва муҳаббат билан боқиши табиий. Зеро, ҳамма ҳам илоҳий гўзалликдан насиба истайди-да!

Маълум бўладики, Комил «Хоразм лазгиси»га мос шеър яратиш билан илоҳий марҳаматдан баҳраманд дунё гўзалини васф этиш баробарида, бу дунё аҳлининг унга ҳавас ва ҳайрати, меҳру муҳаббатини ҳам баланд пардаларда ифодалаган. Муҳаммаснинг бир асрдан зиёд вақт мобайнида халқ тилидан тушмай келаётганлигининг сабаби ҳам худди шу – ўлмас мавзу бўлмиш гўзаллик, ҳайрат ва ишқ тасвирига бағишлаганида, унинг ҳассос қалб билан оташин мисраларда куйланганида!

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди.

Қонун ва бурч

ТЕГИШЛИ МАБЛАҒ

НЕГА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖЛАРГА БОРИБ ЕТМАДИ?

Дўстлик туман прокуратураси томонидан республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди.

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, иш ҳақини ўз вақтида тўлаш меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашнинг энг муҳим шартидир. Гарчи шундай бўлса-да, молиялаштирилган маблағларнинг баъзи ҳолларда ўз эгаларига етказилмаслик ҳолатлари ҳам учрамоқда. Масалан, ўтган йилнинг ноябр ойида туман халқ таълими бўлимида 8.400 минг, туман марказий касалхонасида 4.220 минг сўм соҳа ходимларига, ўтган йилнинг декабр ойида туман «Халқ банки» бўлимининг айби билан кам таъминланган оилалар учун ажратилган маблағнинг 220 минг сўми, 16 ёшгача боласи бўлган оилаларга бериладиган нафақанинг 9.630 минг сўми, 2 ёшгача боласи бўлган оналарга бериладиган нафақанинг 5.020 минг сўми ижтимоий ҳимояга муҳтожларга бориб етмади. Бу камчиликлар туман ҳокимлигининг республика Вазирлар Маҳкамасининг «Нақд пул эмиссиясини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажаришда сусткашликка йўл қўяётгани оқибатида келиб чиқди.

Туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда ишловчилар ҳақини ғайриқонуний равишда талон-тарож қилиш, ўзлаштириш ҳолатлари ҳам аниқланди. Жумладан, «Михлибой Абдулла» фермер хўжалиги раҳбари Тўлқин Абдуллаев томонидан Faллаорол туманидаги 15-мактабдан пахта қўл теримига жалб этилган ўқувчиларнинг 199.168 сўм пули ўз шахсий манфаати учун ўзлаштирилиб, талон-тарож қилингани маълум бўлди ва айбдорларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Айниқса, Дўстлик туман «Халқ банки» бўлими 2-шохобчасида ҳисобчи-назоратчи Ахад Тувалов ва туман «Халқ банки» собиқ бошқарувчиси Ўрол Ҳасановлар томонидан содир этилган жиноят ҳаммасидан ошиб тушди. Бу икки шахс ўзаро пинҳона тил бириктириб ҳеч бир жойда ҳисобдан ўтмаган «Муқаддас аёл» деб номланувчи лотереяни ўтказиш мақсадида 2002 йилнинг апрел, май, июн, июл ойларида «Манас» ширкатлар бирлашмаси ҳудудида истиқомат қилувчи 31 нафар фуқаронинг 218834 сўмлик нафақа пулларини тарқатмасдан қайдномалардаги уларнинг имзоларини қалбакилаштириб, тўпланган пулларни ўзаро бўлиб олишган. «Текин тешиб чиқди». Ҳар иккала қонунбузарга нисбатан жиноий, туман «Пахта банк»и ва «Халқ банки»даги бошқа мутасаддиларга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатилди. Туман ҳокимлигига тақдимнома киритилди.

Ялғош САРИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Суратда: Дўстлик туман прокурори ёрдамчиси, II даражали ҳуқуқшунос Баҳодир Тўхтамишев, жамоатчи ёрдамчи Карим Муҳаммадиев билан навбатдаги вазифалар ҳақида суҳбатлашмоқда.

Алишер Навоий таваллудининг 562 йиллиги олдидан

ҲАЁТ ТАРОНАСИ, ИНСОН МАДҲИЯСИ

Маънавиятга муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилган бугунги даврда бадиий адабиёт муҳим ўрин тутаётгани ҳаммага маълум. Айниқса, мумтоз адабиётни чуқур ўрганиш ёшлар тарбиясида катта аҳамиятга эга. Алишер Навоий ижоди мероси бу жиҳатдан ғоят ибратлидир.

Хўш, нима учун биз Навоий асарларини ўрганамиз, уни ўқишга ҳаракат қиламиз? Чунки улуғ мутафаккир шоир қалбидан тўкилган пойдор, мағзи тўқ сўзлар авлодлар оша Ҳақиқат, Диёнат, Адолат ва Келажак бўлиб яшаб келмоқда.

Алишер Навоий ўзбек адабий тилининг яратувчисидир. У ниҳоятда чуқур кузатув ва мушоҳадалар асосида фикр юритиб, ўзбек тилининг бойлигини, унинг ўзига хос хусусиятлари ва нафислигини далиллаб берди. Унинг «Муҳокаматул луғатайн» асари тилшуносликка доир асар бўлиш билан бирга, ўзбек мумтоз адабиёти истиқболини ёритиб берган асар ҳамдир. Шунинг учун ҳам шоир ўзбек адабий тилининг яловбардорига айланди:

Турки назмида чу тортиб мен алам,
Айладим ул мамлакатни як қалам.

(«Лисонут тайр»).

Илм – дунёни англаш, инсон қалбини тушуниш, камолот чўққиларига етишиш воситасидир. Навоий бобомизнинг асарларини ўқир эканмиз, улар зеҳнимизни чархлайди, эзгуликни ёвузликдан, савобни гуноҳдан, яхшини ёмондан ажратишимизга ёрдам беради. Зеро, шоир асарлари қалбларга зиё, кўзларга нур бағишлайди.

Алишер Навоий бой лирик меросининг асосини 45 минг мисрага яқин ўзбек тилидаги шеърларни ўз ичига олган «Хазойинул маоний» ва 12 минг мисрадан зиёдроқ форс-тожик тилидаги қуллиёти «Девони Фоний» ташкил этади.

Навоий лирикаси ҳаёт таронаси ва инсон мадҳиясидир. Шоир ҳаётни севади, инсонни шарафлайди ва улуғлайди. Зероки, оламнинг олам бўлиши ҳам асосан ҳаёт гули бўлган инсон учундир:

Оламу одам фидонг ўлсинки борсен, эй ҳабиб,
Сен ғараз инсондин, ар оламдин инсондир ғараз.

Тириклик мезони, ҳаётнинг борлиги – инсоннинг фаолияти, хатти-ҳаракати, сифати ва фазилатидир. Инсон ўзи учун ҳам, халқ ҳаёти учун ҳам фойдали хизмат билан машғул бўлиши, маърифатли фазилатларни эгаллаб, маънавияти юксак бўлиши керак.

Одам дунёда абадий эмас, лекин эл-юртга яхшилик қилган комил инсоннинг оти боқий. Бу ҳақда шоир шундай ёзади:

Бу гулшан ичраки йўқтур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик била от.

Мутафаккир ва мураббий шоир кишиларни тўғри, ҳалол, ростгўй, саховатли, ҳимматли, марҳаматли, оқил ва одобли бўлишга чақиради. Қани энди ҳамма ёшлар ҳам мана шундай яхши фазилатлар эгаси бўлса!

Навоий лирикасининг мавзу доираси ниҳоятда кенг бўлиб, юқорида шу умммонинг бир томчиси ҳақидагина фикр юритдик.

Алишер Навоийнинг «Девони Фоний» қуллиётидаги шеърлар мавзу доираси, ғоявий-бадиий қиммати, нафислиги ва тил бойлиги жиҳатидан «Хазойинул маоний»даги шеърлардан асло кам эмас. Ҳар икки девондаги шеърлар гўё бир-бирига эгизак, бир-бирига жондош, бир-биридан гўзал. Зотан, Навоийнинг ўзи таъкидлаб айтган эди:

Маънийи ширину рангинам бу турки беҳад аст,
Форсий ҳам лаълу дурҳои самин чун бингари.
Гўйиё дар рост бозори сухан бикушодам,
Як тараф дукони қаннодию як сў заргари.

Яъни:

Туркий тилда ранг-баранг ширин маъноли шеърларим беҳаду ҳисобдир, агар қарасанг, форсий шеърларим ҳам бебаҳо лаълу гавҳардир. Гўё сўз бозорида дўкон очганман, бир томонда қандолат дўкони-ю, бир томонда заргарлик.

Қаранг, нақадар гўзал ташбеҳлар! Дарҳақиқат, илм изловчи хоҳлаган дўкондан қанча истаса ширинликлардан ёки зебу забаржадлардан фойдаланиши мумкин.

Алишер Навоий улкан лирик шоиргина бўлиб қолмай, балки буюк достоннавис ҳамдир. Унинг достонларида умуминсоний қадриятлар улуғланади. Буюк даҳонинг «Хамса»сига кирган достонлар бежиз жаҳон маънавий хазинасининг олтин фондида жой олмаган.

Тожихон СОБИТОВА,
ЎзМУ доценти.



Санъат

ҚЎҒИРЧОҚЛАР ОЛАМИДА

Термиз шаҳрида ўтган йили фаолият кўрсата бошлаган қўғирчоқ театри қисқа вақт ичида П.Мўминнинг «Бояқиш», Тўра Қобиловнинг «Ўрмондаги воқеа», «Ялмоғизга алла, қуёнбойга тилла» асарлари асосида ишланган спектаклларни болажонларга тақдим этди.

Айни чоғда театр жамоаси қизғин ижод билан машғул бўлмоқда. Янги спектаклар, қўғирчоқлар устида ишлаш, болажонларга маъқул бўладиган асарларни саҳналаштириш борасида катта ишларни режалаштирган.

Асарларни саҳналаштиришда режиссёр Гулбаҳор Маҳмудова, қўғирчоқ усталари Зиннат Маҳмудова, Валентина Прядилиналарнинг хизмати катта.

Суратда: Термиз шаҳридаги қўғирчоқ театрида. Искандар ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.

V қишки Осиё ўйинларида

БЕЛЛАШУВЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Японияниг Амори шаҳрида давом этаётган V қишки Осиё ўйинларида юртдошларимиз дастлабки беллашувларда иштирок этди. Ўзбекистон миллий Олимпия қўмитасидан маълум қилишларича, саралаш баҳсларида фигурали учиш бўйича Артём Князов ва Марина Аганина жуфтлиги қисқа мажбурий дастурда учинчи бўлди.

Шу мусобақаларда якка тартибда иштирок этган Анастасия Гимазиддиновага 7-ўрин насиб этди. Тоғ чанғиси баҳсларида Қайрат Эрметов кутилган натижани кўрсата олмади. У бу баҳсларда 19-ўринга кўтарила олди, холос.

Бугун мусобақанинг финал қисми бошланди.

Тож киймаган чемпионлар

ФИЛИДОР

«Ақл ўйини» ҳисобланган шоҳмот ихлосмандларига яхши аёнки, бу спорт тури бўйича илк расмий жаҳон чемпионати 1886 йилда бўлиб ўтган. Лекин тарихи минг йилларга бориб тақаладиган шоҳмот бундан олдин ҳам кўплаб маҳорат соҳибларини кўрган.

Франсуа Андре Даникан Филидор (1726 йил 7 сентябрда Париж яқинидаги Дре шаҳрида туғилган) ана шундай шоҳмотчилардан биридир. Айтиш керакки, у мусиқачиларнинг бир неча авлодини етиштириб берган оилавий анъанани давом эттириши керак эди. Очиғи, бу вазифани уддалаш учун унда етарли даражада иқтидор бўлган. Бироқ шоҳмотга бўлган қизиқиш барчасидан устун келди. Тез фурсатда тенгқурлари орасида унга тенг келадиган рақиб топилмай қолди. Астасекин ўз маҳоратини ошириб борган Филидор бирин-кетин Франциянинг барча кучли шоҳмотчиларини мағлуб этди. 14 ёшида эса мамлакатнинг кучли ўйинчиси деган ном чиқарди. 16 ёшга қадам қўйганида Франциянинг ўша пайтдаги чемпиони Легаль устидан ғалаба қозонди.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз: Филидор шоҳмотда энг катта ютуқларга эришганида ҳам мусиқадан айрилмади, уни ҳаётининг бош мезони деб билди. Ўқувчиларга сабоқ берди, куй басталади. Француз комик операси яратувчиларидан бири бўлган буюк шоҳмотчининг халқона оҳанглар асосида яратилган асарлари айниқса, машҳур эди. Балким, атоқли бастакор сифатида эъзозлангани – бюсти буюк мусиқачилар қаторида Парижнинг «Гран-Опера» пештоқини безаб турганлиги боиси шундадир.

1749 йилда Филидор «Шоҳмот ўйинининг таҳлили» деган асар яратди. Бу, шубҳасиз унинг шоҳмот ривожига қўшган улкан ҳиссаси бўлди. Китоб қайта-қайта чоп этилди, кўпгина тилларга таржима қилинди. Қарангки, ушбу қўлланмасини тузганида Филидор бор-йўғи 23 ёшда эди.

Бу даврга келиб Филидор Европанинг шоҳмот маркази ҳисобланган Англиянинг энг зўр усталари устидан муваффақият қозонганди. Масалан, шоҳмот донишманди Стамма билан бўлган матчда ишонарли тарзда 8:2 ҳисобида зафар қучди. Тағин Филидор беллашувнинг ҳамма партияларини қора доналарда ўйнади ва шартга кўра, дурангдар рақиби учун ютуқ сифатида баҳоланди. Англиялик бошқа шоҳмотчиларнинг ҳам ҳоли худди шундай бўлди. Унинг юксак маҳоратидан ҳайратланган шоҳмот тарихчиси Д.Уокер «Шоҳмот олами ҳеч қачон кучи Филидорга тенг келадиган устани кўролмаса керак» деган эди. Дарҳақиқат, унинг муваффақиятлари сири замонасидан анча илгарилаб кетганида эди: Филидор Морфи ва Стейницлардан анча олдин шундай улкан стратегик маҳорат билан ўйнардики, буни рақиблари ҳатто хаёлларига ҳам келтирмаганлар.

Филидор, шоҳмот ўйини позициянинг объектив қонуниятлари асосида тузилади, ҳар бир партияда муайян режа бўлиб, юришлар ана шунга бўйсуниши керак, деб ҳисобларди. Қандай қилиб бўлмасин, иложи борича рақибни тезроқ мот қилишга интилган унинг замондошлари томонидан пиёдалар, ҳаттоки, сипоҳлар қурбон қилинарди. Бунга жавобан Филидор, пиёдаларнинг жойлашуви кўп ҳолларда ўйиннинг бориши-ю натижасига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади, дея фикр билдирди. «Менинг асосий ниятим, - деб ёзган эди Филидор «Шоҳмот ўйинининг таҳлили» китобида, – оммага янгилик таклиф этишдир. Мен пиёдаларнинг ўйинини назарда тутяпман. Улар шоҳмотнинг жонидир».





Пиёдалар – шоҳмотнинг жони, худди товушлар мусиқанинг жони бўлгани каби. Буюк шоҳмотчи ва мусиқачининг тафаккур йўналиши шундай бўлган дейиш қийин, лекин Филидор бу икки санъатда умумийлик топганлиги аниқ.

Филидор узоқ ва ажойиб умр кўрди, лекин унинг ҳаёт йўли равон бўлмади. Умрининг охирида у бошидан оғир синовларни ўтказди. Баҳор ойларида Лондонга қилган анъанавий сафари пайтида Англия ва Франция ўртасида бошланган уруш туфайли Лондонда қолишга мажбур бўлди. Икки йилдан сўнг сулҳ тузилгач эса, яна бир чалкашлик юзага келди: уни муҳожирлар рўйхатига киритиб қўйишибди. Узоқ давом этган елиб-югуришлардан сўнг ҳарқалай ҳақиқат тикланди. Лекин анча кеч эди: 1795 йил 31 августда Филидор Лондонда вафот этди.

Буюк шоҳмотчи ижоди ҳақидаги маълумотлар кўп эмас. Бизгача унинг ё сеансларда, ё олдиндан бирор донасини бериб қўйиб ўйнаган партияларигина етиб келган. Эътиборга молик кўплаб матчлардаги партиялар, афсуски, йўқолиб кетган. Лекин қўлимиздаги ўша озгина бисот ҳам Филидорнинг юксак маҳоратли шоҳмотчи бўлганидан шоҳидлик беради.

Ойбек ДАМИНОВ тайёрлади.

Маҳоратингизни синаб кўринг. Иккала диаграммада ҳам оқлар бошлаб, 3 юришда мот қилади.

БАШОРАТЧИЛАР АДАШДИ

Ғиждувонда улуғ аллома Абдуҳолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигига бағишланган йирик турнир бўлиб ўтди. Саккиз вилоятдан 101 шоҳмотчи иштирок этган ушбу мусобақада гроссмейстерлар - Ш.Сафин (Фарғона), С.Йўлдошев (Наманган) ҳамда Т.Воҳидов (Самарқанд) ҳам қатнашди.

Кўп сонли мухлислару мутахассислар турнир арафасида жаҳоннинг энг кучли шоҳмотчилари билан баҳсларда ўзини кўрсатган бу уч гроссмейстер совринли ўринларни қўлга киритишини башорат қилган эди. Аммо...

Швейцарча усул, яъни ғолиб-ғолиб билан, мағлуб-мағлуб билан беллашадиган турнирда ҳар бир қатнашчи 9 тадан учрашув ўтказди. Буни қарангки, уч шоҳмотчи - гроссмейстер Шуҳрат Сафин, бухоролик Ҳалим Тўраев ва халқаро шоҳмот устаси тошкентлик Андрей Белкин тўққиз имкониятдан бир хил - 7,5 очко тўплади. Ғолибни коэффицент кўрсаткичларига қараб аниқлашга тўғри келди. Уч дуранг ва олти ғалабага эришган Ш.Сафинга биринчи ўрин берилди. Иккинчи ўрин пешқадамдан ютуқлари ортиқ, аммо бир марта мағлубиятга учраган Ҳалим Тўраевга насиб этди.

Мусобақа ғолиблари пул мукофоти ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Бухоролик 6 яшар К.Алиев эса «энг кичкинтой қатнашчи» совринига муносиб топилди.

(ЎзА)



Фельетон

ФИРИБГАРНИНГ СЎНГГИ ҲАМЛАСИ

Элликка кирса элакдан ўтади, деган гап бор, халкимизда. Яқинда ана шу ёшдаги бир киши билан суҳбатлашдим. Билсам, «у ёқ»дан чиқиб келаётган экан. Шу ёшга кириб бирор бир фойдали иш қилмаганлигини, ҳатто оила ва рўзғорига ҳам манфаат келтирмаганини ўксиб-ўксиб гапирди. Нима ҳам дейиш мумкин, ҳечдан кўра, кеч яхши...си шу эмасмикин.

Аммо нукуслик ўттиз тўрт ёшли Темур Шагилов бундайлар хилидан чиқмади. Ота-онасининг энг севикли фарзандларидан бири эди. Ўзлари емай-ичмаса-да, унга қарашди. Қўлидан пул аримади. Унинг шу даражага келишида балки саховатларнинг ҳаддан зиёд бўлганлигидир. Нима бўлганда ҳам у Нукус давлат университетининг ҳуқуқшунослик бўлимини тугатди-ю, ўзгарди-қолди. Тенгдошлари ҳаётда ўз ўрнини топишга, танлаган касби бўйича ишлашга интилган бўлса, Темур эса...

Фаолиятини фирибгарликдан бошлади. Дастлаб деҳқон бозоридаги содда кишиларнинг «ҳожатини чиқариб бераман» дея Алининг тўнини Валига кийғизиб, кўпчиликни чув туширди. Ҳаром йўллар билан топганини тунлари айш-ишратда ўтказди. Кўрзига саккиз юз минг сўм берасиз. Хуллас, «ош пишди». Тунги базми жамшид узоқ давом этиб, эртаси хамир учидан патир сифатидаги 480 минг сўмни олган Темур жуфтакни ростлади.

Апрел оқшомидаги ўша воқеадан сўнг Наташа Қўнғиротқўрни қоронғида топгани сингари ўзига ўхшаш бекорчилар ҳам топила қолди. Беш йил умрини ана шу алфозда ўтказди. Ниҳоят, тумшуғидан илинганда вақт кеч бўлганди...

Содда одамлар... Улар омон бўлса, фирибгарларнинг қозони қайнайверади. Қўнғирот туманидаги «Равшан» ширкат хўжалигида яшовчи Наташа Тожиқулова Темур излаган ана шундайлардан бири бўлиб чиқди. Қунларнинг бирида уникига келиб: ўғлингизни университетга ўқишга киришини истайсизми, танишлар бор, ёрдам бераман, дея кўнглига қўл солди. «Холис хизматкор»нинг бу таклифи Наташанинг йиллар давомидаги ушалмаган орзуларидан бири эди.

Аммо бунинг ўзи бўлмайди, опа, – қўшимча қилди у. - Эвадан Нукусга неча бор келибкетмади, «холис хизматкор»ни кимлардан сўраб-суриштирмади. Уни тополмагач, фирибгарнинг найрангига тушиб, емай-ичмай йиққанини ўз қўли билан риёкорга тутқазганлигини англаб етди.

Ўзгалар мол-мулки ҳисобига кун кечиришни одатга айлантирган фирибгарнинг қотиллик жиноятини содир этишгача бўлган даврдаги ишларидан бирига тўхталдик, холос. Аслида риёкорлик, ўғирлик, одамларни алдаб, чув тушириш, фоҳишабозлик каби жирканч иллатлар унинг фаолиятида жуда кўп учрайди.

Қўлимизда унинг сўнгги фаолиятига дахлдор суд ҳукми. У билан танишган киши инсон боласининг шунчалик тубанликка юз тутганлигига ишонгиси келмайди. Ваҳоланки, ҳар бир ота-она фарзандига ёшлик чоғиданоқ одамларга ҳурматда бўлишни, ҳамиша яхшиликлар сари интилишни ўргатиб келиши бор ҳақиқат эмасми...

Тун. Баҳорнинг сокин шабаси танга ҳузур бағишлайди. Куни билан ҳалол ишлаб, меҳнатдан толиққан кишилар бундай пайтда ором олади. Аммо шу тун Тўрткўл шоссесида жойлашган кўп қаватли биноларда биридаги хонадоннинг чироқлари ўчмади. Қадаҳлар кўтарилди, сўзлар айтилди. Буларнинг ҳаммаси хонадан соҳибаси Қаллигул Атажонованинг ўғлини ишга жойлаб қўйиш учун Темурга кўрсатаётган илтифоти эвазига эди.

Заҳриқотилдан сархуш бўлган Темур эрталаб чиқиб кетиб «газак» қилгач, яна шу хонадонга қайтиб келади.

– Ўғлинг Бахтиёрга айт, бугуноқ ўқув юртидан (у Нукус шаҳридаги ўқув даргоҳларидан бирида таҳсил кўрарди) тавсифнома олсин, сўнг мен гаплашаман, у қайтиб келгунича эса сеникида кутиб тураман, дейди.

Бахтиёр чиқиб кетгач, Қаллигул ҳам рўзғорлик қилиб келиш учун бозорга жўнайди. Уйда Темур ва Қаллигулнинг ўн уч ёшли қизи Гулноздан бошқа ҳеч ким қолмайди. Бу – фирибгарнинг ғараз ниятини амалга ошириш учун айни муддао эди.

– Болғани олиб кел, Гулноз, туфлининг михини қоқиб олмоқчиман, - дейди у.

Шўрлик Гулноз... Дарвоқе, ўз қўли билан олиб келган болғаси қаршисида турган инсон қиёфасидаги маҳлуқ томонидан ҳаётига сўнгги нуқта қўйишини у қаердан ҳам биларди.

... Бошига урилган зарбадан у ўзини ўнгломай қолди. Устиустига тегаётган болға зарбаси ўз кучини кўрсатганди. Гулноз йиқилди. Жони узилганига тўла ишонч ҳосил қилган Темур вақтини бекор ўтказмаслик учун уйдаги бор нарсаларни титкилай кетди. Мақсад аён: қўлга илашадиган буюмларни олиб, сўнг ғойиб бўлиш.

Ташқи эшик қўнғироғининг тўхтовсиз қаттиқ жиринглаши уни ҳушёр торттирди. Ким бўлди экан? Йўлакчада қонга беланиб ётган Гулнознинг жасадини кўрпага ўради-да иккинчи хонага олиб кириб ташлади.

Ташқарида эса Қаллигулнинг жияни (онаси тижорат ишлари билан юрганлиги сабабли маълум бир муддатга уникида яшаётган) ўн икки ёшли Баян Хўжанбаева Гулнознинг синглисини болалар боғчасига қўйиб, мактабга бориш учун ошиқаётганди.

– Гулноз қани, йўлакчадаги қон қаердан пайдо бўлди? - Баяннинг устма-уст берган саволлари ҳам Темурни ўз ниятидан қайтишга нима қилиб қўйганлигини ўйлаб кўришга ундолмади, аксинча: Гулноз газхонада овқат пишираяпти, бориб унга кўмаклаш, дея уни уйга қамаб олди.

– Холанг пулни қаерга яширади, топиб берсанг ҳеч нарса қилмайман, акс ҳолда, сени ҳам ўлдираман, - деб уни ура бошлайди.

Буюмлар орасидан 440 минг сўм пулни топиб олгач, кўнгли бироз таскин топган бўлса-да, бироқ у узоққа чўзилмади. Воқеадан хабардор биргина шу қиз, қўйиб юборса, сири очилади. Гулнозни қандай ўлдирган бўлса, Баянни ҳам шу усулда – болға билан уриб ўлдирди-да, бу ердан жуфтакни ростлади.

Аммо Темур Шагилов узоққа кетолмади. Қўлга олинди ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига кўра, қилмишига яраша тегишли жазосини олди: олий жазога ҳукм этилди.

Аслида Т.Шагилов фирибгар ёки қотил бўлиб туғилмаганди. Унинг шу йўлга киришида оиладагилар, қолаверса, маҳалла-кўй, жамоатчилик сабаб эмасми? Унинг номаъқул ишлари ва жиноят йўлига киришини наҳотки ҳеч ким пайқамаган бўлса? Афсуски, лоқайдлик, менга нима, деган беписандлик шундай оқибатларга олиб келди.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 21017 Буюртма Г— 118. 1 2 3 4 5 6